

“Uzkabel” Акциядорлик Жамияти Қўшма корхонасининг
сифат соҳасидаги
СИЁСАТИ

“Uzkabel” AJ QK – Марказий Осиё минтақасидаги кабел-сим ва лок-бўёқ, картон-кадоқлаш идишлари; акрил-стирол эмульсияси, ПВА елими, монтаж кўпиклари ва монтаж ишлари учун қурилиш елимлари чиқарувчи йирик универсал корхонадир.

“Uzkabel” AJ QK ўзининг иш нуфузи ва юқори стандартларга тўлиқ мувофиқ келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш сифати тарафдорлиги билан фахрланади. Корхона ишлаб чиқариладиган маҳсулотларини сифатини мунтазам равишда яхшилашга интилган ва бундан буён ҳам янада ҳаракат қилади.

Ишчи ходимларимиз салоҳиятини ошириш ва самарадор сифат тизимини кўлланилиши орқали бизнинг истеъмолчилар, етказиб берувчилар ва бошқа манфатдор томонларнинг барча талаб ҳамда истакларини тўлиқ бажаришни кафолатлаймиз.

Кафолатлаймизки, ушбу Сиёсат кенг тарқатилади ва барча босқичларга тушунарли бўлиб менежмент тизими натижалари мазкур Сиёсат ва унинг асосида ишланган сифат соҳаси мақсадлари мунтазам яроқли ва унумли бўлиши таҳлил қилиб борилади.

Корхона сифат соҳасида ўз зиммасига қуйдаги асосий мақсадларни кўяди:

- ўз маҳсулотини олий сифат даражасига етказиш;
- мамлакатимиз ва чет элларда корхона нуфузи ва юксак мавқеини сақлаб туриш, ҳамда ходимларнинг маънавий ва моддий фаровонлигига мутаносиб равишда унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш.

Бу ўринда биз қуйидаги тамойилларга амал қиламиз:

- Истеъмолчи бозорида биз ягона эмасмиз, лекин янада мукаммал бўлишга интиламиз;

- Истеъмолчи- бизнинг ишимизда муҳим ўрин тутади;

- Сифатни бошқаришда ҳар бир ходимнинг манфаати ва иштирок этиши ҳамда раҳбарларнинг етакчилик роли;

- Вазифалар ва масъулиятларни тўғри тақсимлаш ҳисобига ишларни пухта уюштириш;

- Ҳар бир иш жойида омилкорлик ва касбга эгалик;

- Бошқаришга янада фойда берувчи жараёнли иш услуби;


- Муаммоларни улар келиб чиқмасдан олдини олиш, бордию вужудга келса, зудлик билан бартараф қилиш;

- Корхона барқарорлигига етишиш омили каби фаолиятини мунтазам равишда янада яхшилаш;

- Амалга оширилаётган фаолият доирасида ихтиёрий ўзаро фойдали муносабатларда самимийликни таъминлаш.

Сифат ва узлуксиз такомиллаштириш доимий мажбуриятини тасдиқлаш мақсадида, корхонанинг бош раҳбарияти амалдаги ҳуқуқий ва меъёрий талабларга, шу жумладан халқаро стандарт ISO 9001:2015 талабларига мувофиқ фаолиятини амалга оширишни ўз зиммасига олади.

Бош директор



Ф.Р. Умаров

26.05.2021